



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССРОлий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1972 йил 21 июндан
ЧИҚА БОШЛАГАН

23 сентябрь 1972 йил, шанба ◆ № 224 (15.395) ◆ Баҳоси 2 тўйин.

ИЛГОР ТЕРИМЧИЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

ТЕРИМЧИЛАР ВА МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСINI КУЧАЙТИРИБ,
ХАР КУНИ ИЙЛЛИК ПЛАННИНГ 4-5 ПРОЦЕНТИ МИҚДОРИДА ПАХТА ТАЙ-
ЕРЛАЙЛИК ◆ ХАР КУНИ 300-350 КИЛОГРАММДАН ДУРДОНА ТЕРАЕТГАН
ТЕРИМЧИЛАР, БУНҚЕРЛАРДАН 25-30 ТОННАДАН ПАХТА ТУКАЕТГАН МЕ-

ХАНИК-ХАЙДОВЧИЛАРДАН НАМУНА ОЛАЙЛИК ◆ ХАР БИР ХУЖАЛИКДА
УРУГЛИК ПАХТА ТАЙЕРЛАШ БУИЧА БЕЛГИЛАНГАН ТОПШИРИҚЛАРНИ
ТУЛА ВА ОШИРИБ БАЖАРИШГА ЭРИШАЙЛИК!

Ромитан районидagi «Октябрь 50 йиллиги» совхозда кўпнинг килограммчилар сафи кундан-кунга ортиб борапти. Улар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ошириб бажариш учун тинмай меҳнат қилмоқдалар. Суратларда: (юқоридан пасга). 1. Кўнига 180-200 килограммдан пахта тараётган Малика Ражабова. 2. Жамилла Барноева кўни кеча 200 килограммдан зиёд дурдона терди. 3. Ханифа Тогаева ҳам пахта теришда дугоналаридан қўншималпти. А. Тураев фотолари.

ПАХТАЗОР ЮЛДУЗЛАРИ



— Шу кунларда ҳар бирини — дейди мизрабчилик бригадир Жамилса Музаффаров, — кунча-кун қўшиб ишлашга, техникадан тула қувват билан фойдаланишга интилоқдамиз. Ингим-терим планлари олдиндан ўйлаб қўйилган. Механизаторларга зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминланган авторемонт устaxonаси хизмат кўрсатапти. 72 гектар майдондаги пахтаги бир кунда бир сидра териб олдик. Гектар бошига 15 центнердан ҳосил йиғиштирдик. Бу — биринчи ҳосил деса бўлади. Тагин гектаридан камид 16 центнердан пахта топширадим. Иккинчи теримни тўғиз кундан сўнг бошлаймиз. Ҳозирча механизаторлар отрядлари совхознинг бошқа участкаларига йўл олди.

Тосим Раҳимов номли кўрик совхозда ҳосил учун кураш шувари ани шунақа. Қашқадарё воҳасидаги «Шахрисабз» совхозини деҳқонлари ҳам фидонона меҳнат қилишпти. У ердан республикада биринчи рапорти олинди: совхоз пахта тайёрлаш давлат планини шараф билан бажарди. Бунинг учун атиги ўн кун керак бўлди! Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган суръат бу! Дала шунқорлари яна юзлаб тонна хом ашё йиғиб олади ва 2,5 йиллик план миқдоридан пахта топширади, дейишапти.

Далалардан келатган хушхабарлар кўпнинг қувонтиради. Сурхон воҳасидан бундай хабар келди: В.И. Ленин номли совхознинг танили меҳнатқорни Абдусаттор Қурбонов ҳозирнинг Устайда машина бунқеридан 300 тонна пахта бўшати, мавсум давомида эса 750 тонна ҳосил теришга ваъда берди.

Илгари минг-мингларча кишилар эрта тондан кун ботгунча қўлда пахта терган машаққатли дамлар андиликда ўша йиллардан бир умра ҳотира бўлиб қолди.

Пахта пайкалларида энди бошқача манзарани кўрамиз. Халқ томонидан «зангори кема»лар деб аталган ажойиб қўнбайлар эгаллар оралаб ваазини чайқалиб юрди. Бундай агрегатлар биргина Ўзбекистонда қарийб 30 миңта бор. Бу йил республикага яна 2700 та агрегат — ўз ўтмишдошларига қараганда янада юксак унум билан ишлайдиган тўрт қаторли ва кенг қаторли агрегатлар келтирилди. 28 миңдан ортироқ кўсак териш ва қувиш машиналари пахтазорлар ихтиёрида. Ҳамма иш жуда кам қўл меҳнати сарфланган ҳолда қонвейер усулида борапти; пахта майdonи — қўнбайи. — пахтага тайёрлов

дункига — пахта заводига қўнқанорсиқ ташиб бериш. Бироқ, асосан қўл меҳнати кўз тикаётган хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Улар этак қолаб қўлда пахта теришни ҳосилини машина бунқеридан бўшатишга қараганда афзалроқ кўраётганга ўхшайдилар. Агар шундай бўлмаса мана бу ҳолия қандай изохлаш мумкин! Сирдарё ва Қашқадарё областларида ҳар кун ҳосилнинг икки ярим проценти механизаторлар ерданда терилган бир пайта, Хоразм, Самарқанд, Фарғона областлари ҳамда Қўрғонқўрғон АССРида машина терими ҳали бошлангани йўқ. Бу ерлардаги бўшлиқ хўжаликларда гўза баргини дефолляция қилиш ва Ингим-терим техникасини ремонтдан чиқариш ишларини асосан равишда қўлиб юборишди. далаларини, йўллари, хирмон жойларини тайёрлашда жиғдий намчаниларга йўл кўйилди.

Ингим-терим тақдирини машиналар ҳал этишини бугунги кунда ҳар бир киши яхши билади. Бу ҳосил қисқа муддатларда ва нобуд қилинмасдан териб олинишни таъминлайди.

Баҳор кеч келганига, ёз эса ўрта Осиё учун одатдан ташқари салқин келганлигига қарамадан далаларда яхши ҳосил этиштирилади. Қўлгина пайкалларида чигитни қайта элишга тўғри келди. Деҳқонларнинг маҳорати, республика партия ташкилотларининг қайноқ меҳнати ривожланишдан кечинган йўлларини олдинларни қаторида етказиб олишга қаратилди. Ҳосилга-ҳосил қўшиб юзасидан ўтказилган зарбдор ўн кунликлар, гўзанинг маромида озиклангирлиши, меҳр билан парвариш қилиниши ўз самаларини кўрсатди. Август ойининг охирилари ва сентябрнинг биринчи ярмидаги серкўш кунлар кўсакларнинг тез этилиб пишилишига имконият яратди. Шу кунларда областларда, районларда, қолхозлар ва совхозларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л.И. Брежнев илҳомбахш нутқ сўзлаган пахтазор республикалар партия-хўжалик активни йиғилишининг тавсифлари ишқилини ваъданида муқоабам қилинмоқда. Ҳаммининг бунқер-ҳайди битта, у ҳам бўлса илгари олдинги мажбуриятларини ошириб бажаришдан иборат.

Сўзимиз қатъий, дейишпти Ўзбекистон деҳқонлари. — Унинг реаллиги ўз қўлимида, ҳар биримизнинг фидоқорона меҳнатимизга боғлиқ.

И. МУҚИМОВ,
«Правда» мухбири,
Ўзбекистон ССР,
«Правда», 22 сентябрь.

ПАХТА УЛКАН ХИРМОНГА

ШТАБИГА

Телеграммалар
сўнги хабарлар

ҚАМАШИ. «Марксизм» колхозининг Эшмурод Бердиниёзов бошлиқ комплекс механизацияланган бригадаси районда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини тўрт иш кунинда бажарди. Ҳар гектар ердан 15 центнердан дурдона териб олинди. Қўзи Жўраев, Хушпавт ваби механизаторлар 50-60 тоннадан пахта териб, бригадининг муваффақиятига муносиб ҳисса қўшдилар.

КИТОБ. Свердлов номли колхоз деҳқонлари пахта йиғим теримини янада яхши олдириб юбордилар. Бригадаларо

социалистик мусобақада Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Холбиби Муродов бошлиқ бригада коллективни бошқорув бўлаётди. Пахта тўлиқ қилиш пунктига ҳар кун социалистик мажбуриятнинг 5-6 проценти миқдоридан «оқ олтин» топширилмоқда. Қўмининг индустриаллар ҳаракати ҳам қизиб юборилди. Н. Худоев, М. Эгабаева, И. Муродуллоева, З. Ериева сингарилар бригада хирмонида 180-200 килограммдан ошириб пахта тўлиқ қилишти. Бригада коллективини йиллик пахта тайёрлаш планини бажариш арасида турибди.

Р. ТУРДИЕВ.

НАМАНГАН. («Совет Ўзбекистони» мўбирдан). Юбилей йилида она-Батага 3150 тонна «оқ олтин» етказиб бериш ва шундан 1400 тоннасини машинада териб мажбуриятини олган Свердлов номли колхоз «зангори кема»да пахта теришни қизинг давом эттирмоқда. Бригадалар ўртасида социалистик мусобақа авяида. Машиқ Халилов бошлиқ бригада пахтазорларида агрегатлар тинмай жавлон уришти. А. Машиқов, Ғ. Қирғизов, И. Мамавталиев сингари механизаторлар кўнига машинада 6-7 тоннадан пахта териб, бригада хирмонига бариқ киритишпти.

ЮКСАК БУРЧ

Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги совхоз механизаторларининг хатини ўқиб чиқдик. Унда давлат аҳамиятига эга бўлган масала кун тартибига қўйилган. Давлатимиз қатта илҳомий эҳтиёт билан қўл қўйди. Натжидада далада юбилей йили ҳосили мўл бўлди. Уни нобуд қилмай териб оласак, республикамиз бўйича 4 миллион 550 миң тонна пахта тайёрлаш ҳақидаги мажбуриятимизни сўзимиз бажарамиз.

Бунинг учун нималар қилиш керак! Ташаббускорларнинг хатини ўқиган кишилар бу саволга жавоб топади. Улар нишонга олишган маррага тез ва толиқмай етиш учун машиналар иш унумини кўтариш, терим фурсатини қисқартириш керак демоқдалар. Икки қаторли машинада камид 150 тонна, тўрт қаторлида эса 450-500 тонна пахта териш лозим, шунга эришиш механизаторларнинг бурчи эканини таъкидламоқдалар.

Бу фикрларга тула қўйиламиз. Машинанинг рули механизаторнинг қўлида. У астойдил бўлса, «зангори кема»сини техника қирғинида ўтказиб турса, фурсатингиз ҳар дамизини қадрласа, ҳар қандай шартда ҳам кўп ва тез пахта териш мумкин. Бунинг учун бошқа шартлар ҳам мавжуд. Жумладан, фўзаларнинг берги сунғий усулда тўктириб бўлиниди, пайкаллар бегона ўтлардан тозаланган, айланма майдончалари тайёр, ўқарик, шохариқ, марзалар текисланган. Шундай шартларда кунлик графини ошириб бажармасак, қачон бажарамиз? Бунқердаги пахтаги ағдарш учун тележка, юк машиналари етарли. Кўчма устaxonалари механизаторларга яхши хизмат кўрсатапти. Иссиқ оёқат, чой, қовун-терув, мена-челвалардан камчил жойини йўқ. Ҳар биримизнинг смендошимиз бор. Бу ҳам унумли ишлашимизга яратилган шартлардир.

Энди ҳамма нарса механизаторнинг ўзига боғлиқ бўлиб қолди. У уйқудан эрта уғонини, фурсатингиз ҳар дақиқасидан фойдаланиб бунқерга уюлаётган

пахта чўғини кўпайтириши, теримнинг қўш қўрайгунча, ҳатто оқдин туларда ҳам давом эттириши лозим. Вақт шунинг тақозо этипти. Пахта терими—вақтлик иш, отини қамчилган механизатор ютади, кечиккан ютказоди. Биз биринчи йўлдан боришимиз керак. Мен дастлаб теримга тушган кўнми «Ўзбекистон» машинасида 6 тонна пахта тердим. Бу ҳар бири 100 килограммдан пахта тарадиган 60 кишининг иши. Лекин ишимдан қоникмадим. Ахир, мен мавсумда 700 тонналик маррани эгаллашга сўз берганман. Шундай бўлган, суръатини кескин кўтаришим керак. Бригадамиз бўйича эса гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришимиз лозим.

Ҳисоб-китоблар, ҳосилнинг чўғи мажбуриятларимизни бажариш учун ҳамма имкониятлар берилганини кўрсатапти. Бироқ мен 700 тонналик маррани қанон эгаллаيمان, бригадамиз бўйича қанон 40 центнердан пахта топшириб, мажбуриятимизни бажарамиз? Гап фурсат ҳақида кетаяпти. Бригада аъзоларимиз билан маслаҳатлашдик. Али Сафаров, Муртоз Аҳмедов, Умар Остонов, Зумрад Сейфуловлар плани 20 миң кунда бажарамиз деган таклиф қилишти. Муҳлис Арисонов, Исрофили Азизов, Назира Ашраповалар бу таклифни маъқуллашди. Аини кезде аъзоларимизнинг ҳаммаси ўз зиммасига оширилган мажбурият олди.

Астойдил ишга киришдик. Мен тонг саҳардан иш бошлаб, қўш қорангунча машинани пайкалдан чиқармайдим. Пайкалларни томоша қилиш учун эмас, чаноқларда қулиб турган дурдоналарни тез ва сифатли йиғиштириб олиш учун кезгилман. Шундай қилиб пешана теримиз билан этиштирилган ҳосилни ўзимиз териб олмасак, четдан биров келиб териб бермайди. Бригадамиз бўйича ҳамма ҳосилни қўл кучи ишлатмасдан машинада териб, олишга аҳд қилдик. Суръатини шунга қараб оширишимиз. Ҳар кун йиллик планининг 7-8 проценти миқдоридан пахта жўнатышимиз.

Мен кун-гайратимни машина иш унумини оширишга сарфлапман. Кейинг кунларда бунқердан 18-20 тонна пахта тўқилган. Дастлаб кўрсаткиччи нисбатан бу яхши, албатта. Аммо илгор механизаторларнинг муваффақиятига солиштирадиган бўлсак, гайрат оға янада қаттироқ қамчи босишимга тўри келади. Шу кунларда 22-25 тонналик маррани кулаб ишлапман. Бир ҳафтадан кейин суръатини 30 тоннага чикараман. Ниҳоят, донгдор механик-ҳайдовчилар изидан бориб, 40 тонналик чўққига чиқаман. Арслон назим, йиғит сўзидан қайтмайди дейдилар. 700 тонналик маррани эгаллашга «зангори кема»ни пайкалдан чиқармайдим.

Тўри, машинада пахта териш осон иш эмас. Механизаторнинг қўли ва оғи ҳаракатга келавеганидан чарчайди. Бундай кезде машинани смендошига топшириб, ошқатиланиш, боришга соат дам олиши керак. Шунда янги кунга гайрат билан пайкалга кириди, иш унумли бўлади. Смендоши ҳам машинани бир мезьерда бошқариб, тез, кўп ва тоза пахта териши керак. Устозлар билан ширдиллар ҳамкорликда меҳнат қилиб, механизаторлик номини шарафлаш учун курашмоқчи лозим. Колхозимизда бу йил ҳар бир машинада 170 тоннадан, тўрт қаторли «зангори кема»да эса 450 тоннадан кам пахта тарадиган бирорта механизатор бўлмади.

1972 йил—юбилей йили, барча қасб эгалари каби механизаторлар ҳам сновдан ўтадиган йил. Ҳар биримизга давлат омиборига юлган пахтага қўшган ҳиссамизга қараб баҳо берилади. Зиммамизга қонкрет мажбурият олганимиз, уни бажариш — бурчимиздир. Мен мавсумда 700 тонна пахта териш ҳақидаги бурчимни шараф билан ўтадим, бошқа ҳаммаси дустларимни ҳам шунга қақираман.

Жаббор ОҒАЛИЕВ,
Тулистон районидagi «Октябрь» колхозининг бригадир, механик-ҳайдовчи.

4.550 МИНГ ТОННА УЧУН

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 22 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ (Планга нисбатан процент ҳисобда)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машина терими	
			Бир кунда	Мавсум бошидан
Қашқадарё	3,10	36,26	2,57	17,72
Бухоро	1,82	22,05	1,19	5,48
Андижон	1,73	19,62	0,94	2,25
Фарғона	1,80	17,75	0,47	1,18
Сурхондарё	1,55	16,95	1,13	7,74
Сирдарё	2,24	14,80	2,42	12,47
Тошкент	2,05	12,58	2,15	9,46
Наманган	1,64	10,41	1,97	6,20
Хоразм	0,60	5,46	0,05	0,11
Самарқанд	0,70	4,13	0,03	0,05
ҚА АССР	0,46	3,03	0,05	0,08
Республика бўйича:	1,59	14,66	1,24	5,79
Шу жумладан ингичча толали пахта				
Қашқадарё	1,72	20,06		
Бухоро	0,93	18,37		
Сурхондарё	1,17	15,90		
Республика бўйича:	1,46	18,32		

МАШИНАДА ҚИМ ҚАИВА ПАХТА ТЕРДИ?

- Шеробод районидagi Ленин номли совхоздан Абдусаттор ҚУРБОНОВ 300 тонна
- Шу райондаги «Дўстлик» совхозидан Алихон ҚАМБАРОВ 200 тонна
- Дўстлик районидagi Ленин номли совхоздан Тўлан ДАДАЖОНОВ 173 тонна
- Шу совхоздан Шамсиқамар ТУХТАЕВА 120 тонна

А. Н. КОСИГНИ ИРОҚ РЕСПУБЛИКАСИ НЕФТЬ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР МИНИСТРИ С. ҲАММАДИЙНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 21 сентябрда Кремлда Ироқ Республикасининг нефть ва минерал ресурслар министри С. Ҳаммадийни қабул қилди.

Сўхбатда ташви савдо министрлигининг биринчи ўринбосари И. Ф. Семичастнов, Ироқ революцион кўмондонлиги кенгаширининг иккинчиси масалалар билан шуқуладанувчи бюроси аъзоси Фахрид Кадурий ва Ироқнинг Совет Иттифоқидagi элчиси Солиҳ Махдуний Амиш иштирок этди.

РЕСПУБЛИКА ПРОПАГАНДИСТЛАРИНИНГ СЕМИНАР-КЕНГАШИ

Ўзбекистон партия ташкилотлари партия маорифи системасида янги ўқув йилига пукта тайёрларлик тўрмоқдалар. Сийсий маориф уйлари ва кабинетлари мудирларининг Тошкентда ўз иштин тамошлаган республика семинар-кенгаши шу масалага бағишланди.

Семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети чакирди. Семинарда республика партия, совет, қасаба союз ва комсомол органларининг маъсуд ходимлари, таниқуқ олимлар ва мутахассислар сўзга

чиқдилар. КПСС XXIV съезди қарорлари асосида ва СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёрларлик муносабати билан гоний-тарбиявий ва оммавий-сийсий ишлар тўғрисида, меҳнатқилларга иқтисодий баям беришни яқинлаш юзасидан КПСС Марказий Комитети қарорини бажариш соҳасида партия

ташкilotлари олдига турган ваазифалар тўғрисида, шунингдек партия ўқув системасини таномиллаштириш ва унинг тасвирчанлигини ошириш ҳақида, ешларни гоний жиҳатдан чиништиришни кўчайтириш, коммунистик меҳнат мактаблари ишларини янада яқинлаш вазиқларини ҳақида ва бошқа мавзуларда дошларлар тингланди.

Семинар иштирокчилари учун совет жамияти иқтисодий-сийсий таракқийнинг баъзи масалалари тўғрисида, социалистик миқдлатларнинг бери уриб яшавиши ва бир-бири билан яқинлашувининг жуда муҳим омил бўлган СССРнинг гузаличилиги ва ривожланиши тўғрисида лекциялар ўқилди. Бир қанча лекциялар ҳозирги замон илмий-техника революциясининг моҳиятига ишлаб чиқаришни бошқариш ва меҳнатқилларни коммунистик руҳда тарбиялашда меҳнатқиллар коллективининг ролияи янада ошириш, Ўзбекистон халқ ўрнатилинган ҳозирги аҳволи ва ҳужайи масалаларига бағишланди.



Республикамиз пойтахтида Ўзбекистон комсомолы Марказий комитети бюуртмаси билан мухташам «Ешлик уйи» қад ростламоқда. Сура... К. Усмонов ва пешқадим гишт терувчилар О. Шоманов, А. Малликов, Ж. Туреев, фотолари.



Республикамиз пойтахтида Ўзбекистон комсомолы Марказий комитети бюуртмаси билан мухташам «Ешлик уйи» қад ростламоқда. Сура... К. Усмонов ва пешқадим гишт терувчилар О. Шоманов, А. Малликов, Ж. Туреев, фотолари.

БУГУНГИ ҚИШЛОҚЛАР

Ўтган йили қўшни Афғонистондан районимизга меҳмон келган эди. Афғонистонлик меҳмон бир неча хўжалиқларда, жумладан «Аврора» совхозида, «Ленинизм» колхозида бўлиб ва чўл бағрида қамол топаётган замонавий посёлкаларни кўриб «Бундай қурилишларга ҳавас қилса арийди» деган эди.

Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз Қарши даштини ўзлаштириш ва сугорғи ишига жуда катта эътибор беринти. Чўли ўзлаштиришга катта-катта моддий маблағлар ажратилди. Шу муносабат билан даштинга тув ўзгаришлар юза берилди. Янги-янги замонавий қишлоқлар бунёд этилмоқда, эски қишлоқлар ўрнида деҳқонларнинг замонавий уйлари қад ростламоқда. Қишлоқларда қўлаб маданий-маънавий бинолар қурилиб, меҳнатқиллар ихтиёрига бериб қўйилди.

Кейинги йилларда район территориясида Тоғлимаржон, Ойбеги ва Аврора посёлкалари қурилди. 9 ва 11-совхозларнинг посёлкалари қурилиши ниҳоят сизга етай деб қолди. Бир неча қишлоқларнинг марказий қишлоқлари янгидан қайта қурилди. Кейинги уч-тўрт йил ичида 10 миллион сўмликдан кўпроқ капитал қурилиш ишлари бажарилди.

Қишлоқларни қайта қуриш район партия ташкилотининг энг муҳим ишларидан бири бўлиб қолди. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш учун катта маблағлар ажратилмоқда. Қишлоқ хўжалиги меҳнати ўз характерини ва мўлқини билан тобора саноат меҳнатига ўхшаш борапти. Қишлоқ хўжалигига кун сайин техника кириб бормоқда. Бу

қишлоқ меҳнатқилларининг динга мос ўй-ғой бинolari қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги қурилишларнинг олиб бориши билан бирга маънавий хизмат бинolari ва бошқа комплекслар ҳам қурилиб, ишга туширилди. Ҳозир қолхоз марказий қишлоқда телефон линиялари, водопровод, газ, канализация бор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарор қабул қилган «Республика колхозларида хўтор системасини тугатиш ва капитал қурилишни тўдани ахишлаш тўғрисида» қарори қишлоқларни қайта қуриш, янги хўтор системасини қишлоқларнинг йирик, барча коммунал ва маданий-маънавий қулайликларга эга бўлган қишлоқларга айлантиришнинг бунёд режаларини белгилаб берди. Янги йиллар ичида Қарши райони территориясида ўнлаб замонавий посёлкалар қад ростляди.

Ҳозир хўжалиқларимиз территорияларида 14 та хўтор системасидати, ҳар бирида 20-30 хонадон бўлган қишлоқлар бор. Келажакда ҳар бирида 1500-2000 аҳоли ишайдиган, ободонлаштирилган, турли қулайликларга эга бўлган обод посёлкалар қурилади.

Районнинг янги қишлоқларида маънавий хизмат кўрсатиш комбинатлари, йирик савдо дўконлари, кинотеатрлар ишлаб турилади. Барча қишлоқларга электр линиялари борган бўлиб, хонадонларнинг ҳаммаси Илчир нуридан баҳраманд бўлипти. Қишлоқ қурилиши масалалари тез-тез район партия комитетининг ишеним ва ёрдам йиқинлигида, меҳнатқиллар депутатлари район Советининг сессияларида муҳокамадан ўтказилиб турилади. Бу йилги

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Интисодий бақувват хўжалиқларга айланмоқда, даромад кўпаймоқда. Биргина 1971 йилда келиши ниҳоятда кўроқчил келишига қарамадан район хўжалиқлари 23 миллион 267 миң сўм даромад олдилар. Бу планда кўзда тутилгандан қариб 8 миллион сўм кўпдир.

Катта даромад олаётган хўжалиқларимиз мустақкам моддий-техника базасига эга бўлиб, қишлоқларни қайта қуриш имониатларига эга бўлишди. 1970 йилда область партия комитетининг қарорига кўра «Ленинизм» колхозининг марказий қишлоқни замонавий қишлоқ қайта қурилади. Қишга вақт ичида колхознинг марказий қишлоқига яздан ортиқ замонавий,

хонадон бўлган қишлоқлар бор. Келажакда ҳар бирида 1500-2000 аҳоли ишайдиган, ободонлаштирилган, турли қулайликларга эга бўлган обод посёлкалар қурилади.

Районнинг янги қишлоқларида маънавий хизмат кўрсатиш комбинатлари, йирик савдо дўконлари, кинотеатрлар ишлаб турилади. Барча қишлоқларга электр линиялари борган бўлиб, хонадонларнинг ҳаммаси Илчир нуридан баҳраманд бўлипти. Қишлоқ қурилиши масалалари тез-тез район партия комитетининг ишеним ва ёрдам йиқинлигида, меҳнатқиллар депутатлари район Советининг сессияларида муҳокамадан ўтказилиб турилади. Бу йилги

С. Я. Жук номидаги Бутуниттифок лойиҳа-қидирув илмий-тадқиқот «Гидропроект» институтининг Урта Осиё бўлимида Урта Осиёда қурилаётган гидротехник иншоотлар бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилади. Сура... И. Глауберзон фотолари.



С. Я. Жук номидаги Бутуниттифок лойиҳа-қидирув илмий-тадқиқот «Гидропроект» институтининг Урта Осиё бўлимида Урта Осиёда қурилаётган гидротехник иншоотлар бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилади. Сура... И. Глауберзон фотолари.



С. Я. Жук номидаги Бутуниттифок лойиҳа-қидирув илмий-тадқиқот «Гидропроект» институтининг Урта Осиё бўлимида Урта Осиёда қурилаётган гидротехник иншоотлар бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилади. Сура... И. Глауберзон фотолари.



С. Я. Жук номидаги Бутуниттифок лойиҳа-қидирув илмий-тадқиқот «Гидропроект» институтининг Урта Осиё бўлимида Урта Осиёда қурилаётган гидротехник иншоотлар бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилади. Сура... И. Глауберзон фотолари.

ТЕХНИКА ТАРАҚИЙТИНИ ТЕЗЛАШТИРИШ ИШИ ТАЖРИБАСИДАН

ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР

КПСС XXIV съезди Директивларида илмий-техника тараққиётини тезлаштириш — ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омиди эканини алоҳида таъкидлаган. Республикамизда «Уз-механизация» бирлашмаси ташкил этилди. Бу бирлашма фаолияти билан каттагина ишлар амалга оширилди. Корхоналарда илмий-техника тараққиётини тезлаштириш бўйича планлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги пайтда асарият корхоналарида ердими ишлар асосан қўлда бажарилаётганлиги сир эмас. Республикамиз корхоналарида юк ортинчи, тушириш ишларида минг-миңлаб ишчилар банд бўлиб туринишди. Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири — ердими ишларни механизациялаштириш ва автоматлаштиришдан иборатдир.

Бу борада Фаргона тўқимачилик комбинатида амалга оширилаётган юмушлар айниқса ибратлидир. Бугунги кунда комбинатни қолдириш билан бирга илмий-техника тараққиётини тезлаштириш ва автоматлаштиришдан иборатдир.

Шунинг айтиши керакки, бундан ўн йилча олдин Фаргона тўқимачилик комбинати қолдириш корхоналардан ҳисобланарди. Кўчирлик ишлаб чиқариш жараёни, юк ортинчи ва тушириш, хом ашёларни ташини, омборларга жойлаштириш каби бир қатор ишлар кўч қўли билан бажариларди. Меҳнат унумдорлиги ҳам шунга яраша эди.

1963 йилда комбинат коллективи ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаштиришнинг комплекс планини ишлаб чиқиди. Бу план асосида корхонани реконструкция қилиш учун дастлаб илчир, инженер-техник ходимлардан иборат комиссия тузилди. Иттифоқи мақсадида ўшақ қорхоналарга таъриба алмашиш учун юборилди. Орадан кўп ўтмай корхонада реконструкция буюрси ҳамда механизация ва автоматизация деҳарини ташкил этилди. Улар илчир техника тараққиётини яздлаштиришга астойдил киришиб, ишлаб бошлаш

лайдалар, уларга тобе бўлмаган мансабдор шахсларни жазолашди.

Ҳуқуқ маданиятининг етишмаслиги, совет қонунларини биямаслиги — бундай қарорларнинг тайдо бўлиш сабабларидан биридир. Демак, қишлоқ ва посёлка Советининг ҳар бир ходими қонунчилигини яхши билиши, ундан мохирона фойдаланиши, ҳар доим ва ҳар жиҳатдан қонун манфаатларини қўлаб иш тутуши лозим. Умуман Советлар ишнин яхшилаш, уларнинг оубрўсини янада ошириш кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

Сўнги бир ярим йил ичида Андижон области прокуратурасининг ўзи қишлоқ Советлари ижроия қомитетлари ишқарган 72 та қарор қонунга зид экани айтилиши кўрсатилади. Фаргона областида 25 қарор бекор қилинди. Наманган областида ҳам шундай қарорлардан бир нечтаси бекор қилинди.

Масалан, Фаргона области, Қува районидаги Тўхтабос номида қишлоқ Совети ижроия қомитетини грандчилар Ҳамдам Эминов ва Шарофиддин Ҳамдамовия қишлоқдан чиқариб юбориб, қишлоқ қарор қабул қилган. Бунга Эминовнинг ўғли Тўйчи Ҳамдамов социалистик мулкни ўғирдаганлиги учун жиноий жазобарликка тортилганлиги сабаб қилиб кўрсатилган.

Охунобоев раёнидаги Қува қишлоқ Совети савдо ходимлари учун 16 соатлик иш кунин жорий этиш ҳақида қонунсиз қарор чиқарган.

Наманган области Тўрақўрган районидаги Холматов номида қишлоқ Советининг ижроия қомитети 1972 йилнинг апрель ойида «Илчир» колхозни яздлашмасига Мазкур хўжалиқда ишламайдиган шахсларга яқта тартибда уй-йўқ қуриш учун 9,0 гектар жой ажратиб бериш вазифасини юкловчи қарор чиқариб, Уставага хилоф иш тутган.

Мазкурда пил олд. Газетамизнинг шу йил 4 август сониде юнониридан сарлаҳқа остида ана шу маъзундаги феълетон босилган эди. Писикент район прокуратурасидан олинган жавобда айтилишича, феълетонда илчирилган феълтар тасдиқланган. А. Иброҳимов жиноий жавобгарликка тортилган. Яқинда у қилмишини учун суд олдиде жавоб беради.

файли 150 миңи ардамчи ишлардан ҳалос қилинди. Корхона бундай йилга 200 миң сўм миқдорда интисодий фойда кўрсатди. Юк ортинчи ва тушириш ишларини механизациялаштириш даражаси 1964 йилда 40 процентни ташкил этган бўлса, 1972 йилга келиб 70 процентга етди.

Корхонада ўтган санжизинчи беш йилликда ҳам катта ишлар амалга оширилди. 127 та иш унумдор машиналар — ўратилди. Мазкур участкаларда банд бўлган 66 киши машаққатли юмушлардан озод қилинди. Бундан 1 миллион сўмга яқин интисодий фойда олинди. 735 та технологиялик ускуна лизингизация қилинди. Янги техника плани бўйича ўнлаб деҳарини машина, олчига ўрбланишувчи машина, олчига ўрбланишувчи агрегат ишлаб чиқаришга жорий этилди.

СССБнинг КТ-К-75 50 йил илчир кенг яқинланганидан бу йилга комбинат коллективини ўнла илчир-ишувчи машина, 82 та автомат тўқув станокларини ва 20 та пневмопир тўқув дастгоҳларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун қизғин иш олиб борапти.

Ишқдор илчир, инженер-техник ходимлардан тўшаётган рационализиаторлик тақлифларини ўз вақтида кўриб чиқиб, мулкларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишга алоҳида эътибор беришмоқда. 1971 йилда 360 дан оғд районда рационализиаторлик тақлиф ишлаб чиқаришга жорий этилиб, бундан корхона 130 миң сўм савдо кўрсатди. Юбилей йилда бу кўрсаткич янада юқори бўлмоқда.

Яқинда, комбинат партия ташкилотининг йиғилишида меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланишга комиссияларининг роли кенг муҳокама қилинди. Ана шу муҳим масалалар асосидан конкрет тадбир белгиланди ва уларнинг бажарилиши устидан каттиқ назорат ўрнатилди.

Шундан сўнг корхонанинг барча цех, бўлимларида илчирларнинг ишлаб чиқариш маламасини оширишга алоҳида диққат билан қаралаётган бўлди.

Илмий-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика Совети Фаргона тўқимачилик комбинатида ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган ибратли тадбирларнинг бошқа корхоналарга ҳам кенг ёйишдага кўмаклашувчи ташкил этилди. Фаргона тўқимачилигининг тақрибасини кенг ёйиш, корхоналарда илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб бориш — шу куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

С. РУЙИХИИ, Ўзбекистон КП Марказий Комитетини қошдаги илмий-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика Советининг масъул секретари.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАЛАТАЛАРИВИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

21 сентябрда Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. Мажлисини Миллатлар Совети қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссиясининг раиси Г. Кабин бошқариб берди.

Комиссиялар аҳоли ўртасида Совет Қонунларини пропаганда қилиш ишларининг аҳоли тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. СССР юстиция министри В. И. Терехин доклады қилди.

Мухонамада Иттифоқ Совети қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссиясининг раиси И. В. Капитонов, комиссияларнинг аъзолари М. Г. Нерсисян, В. В. Шчербаков, В. А. Ненахов, Бутуниттифок «Илчир» жамияти правленесининг раиси И. И. Артоболевский, СССР маориф министри М. А. Прокофьев, СССР олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин, СССР Министрлар Совети Хунар-техника таълимни давлат комитетининг раиси А. А. Булгаков, СССР Министрлар Совети Телевидение ва радиотаншириш Давлат комитетининг раиси С. Г. Лапин, СССР қишлоқ ишлар министри Н. А. Шелюков қатнашдилар.

Комиссиялар давлат ва жамоат органлари партия XXIV съездининг қарорларини бажара бориб, Совет Қонунларини пропаганда қилиш ва меҳнатқилларга ҳуқуқий тарбия бериш соҳасидаги фаолиятини кучайтиришнинг таъкидчиларидир.

Комиссиялар тегишли министрлар ва идораларга граждандарнинг иш жойи ва истиқомат қиладиган жойида совет қонунларини пропаганда қилишни янада яқинлашга қаратилган тадбирларни қуришни тавсия этишди. Аҳоли турли табақалари ва гуруҳларининг, аввало, ёшлар ва ўсмирларнинг хусусиятлари ҳамда қишлоқларини эътиборга олиб ҳуқуқ пропагандасини уюштириш, қишлоқ жойларда Совет Қонунларини тушутириб беришни анча яқин йўлга қўйиш, ҳуқуқ пропагандасини шахар ва районларда, ишлаб чиқариш ва таълим коллективларида социалистик қонунчилиги ва ҳуқуқ-тартиботнинг аҳоли билан маъкам боғлаб бориш зарур эканини таъкидлаб ўтдилар.

Комиссияларнинг Қонун лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан берган топшириқларни қандай бажарилганлиги тўғрисида ва комиссиялар томонидан илгари қараб чиқилган масалалар ҳақида берилган тавсияларнинг министрилар ҳамда бошқармалар қандай бажарилганлиги тўғрисидаги ахборот ҳам тингиланди.

Комиссияларнинг ишида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. Ю. Шумаснас, Иттифоқ Советининг раиси А. П. Шитиков, Миллатлар Советининг раиси С. С. Насриддинова, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгидзе, СССР Олий судининг раиси Л. Н. Смирнов, СССР Бош прокурори Р. А. Руденко, СССР Министрлар Совети давлат комитетларининг раислари, иттифодош республикалар Олий Советлари Президиумларининг секретарлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари қатнашдилар. (ТАСС).

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК

Коммунистик партия Советларнинг барча аъзолари фаолиятини яқинлаш тўғрисида ҳамда гамхўрлик қилиб келмоқда. Кейинги йилларда маҳаллий ҳокимият органлари, биринчи навбатда қишлоқ ва посёлка Советларининг роли ва аъвалигини ошириш юзасидан қатор муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Меҳнатқиллар депутатлари Советлар депутатларининг статуси тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши Советларнинг ролини ошириш ҳақидаги гамхўрликнинг яқин ёқини далилдир.

Социалистик қонунчилиги мустақамлаш ҳамда граждандарнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда маҳаллий Советлар муҳим роль ўйнайди. Буниш учун улар барча имониатларга эга. Советларнинг депутатлари ва активлари ҳар кунин халқ оммаси орасида буладилар, жулда хилма-хил масалаларни халқ қиладилар. Шу боисдан ҳам улар у ёни бу қолхоз ва совхозлар, корхона ва муассасалар аҳолини халқ билдилар. Буюбарин, жойларда қонунлар қандай бажарилаётганидан хабардор бўлиб турадилар.

Маҳаллий Советларга берилган ҳуқуқ қонунчилиги бўлган ҳар қандай кишини тартибга чакириб қўйишга имкон беради. Бу, КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатқиллар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ишнин яқинлаш тўғрисидаги қарориде ҳам таъкидлаб ўтилган. Қарорда маҳаллий Советлар қабул қилган қарор ва фармойишлар шу Совет территориясидаги барча мансабдор шахслар учун, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун мажбурий эканини кўрсатилган. Қонунчиликка риоя этилишини контроль қилиш ҳам қишлоқ ва посёлка Советларининг

лайдилар, уларга тобе бўлмаган мансабдор шахсларни жазолашди.

Ҳуқуқ маданиятининг етишмаслиги, совет қонунларини биямаслиги — бундай қарорларнинг тайдо бўлиш сабабларидан биридир. Демак, қишлоқ ва посёлка Советининг ҳар бир ходими қонунчилигини яхши билиши, ундан мохирона фойдаланиши, ҳар доим ва ҳар жиҳатдан қонун манфаатларини қўлаб иш тутуши лозим. Умуман Советлар ишнин яхшилаш, уларнинг оубрўсини янада ошириш кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

Сўнги бир ярим йил ичида Андижон области прокуратурасининг ўзи қишлоқ Советлари ижроия қомитетлари ишқарган 72 та қарор қонунга зид экани айтилиши кўрсатилади. Фаргона областида 25 қарор бекор қилинди. Наманган областида ҳам шундай қарорлардан бир нечтаси бекор қилинди.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР,
ХАБАРЛАР,
ВОКЕАЛАР.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ТЕХНИКАВИЙ ЁРДАМИ БИЛАН

ТЕХРОН, 20 сентябрь. ТАСС мухбири В. Полонский хабар беради:
Арабда Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан турли турдаги заводнинг таъмироти охири маросими бўлиб ўтди. Заводнинг таъмироти охири маросимида Эрон шоҳи, мажлис раиси А. Раёбий, министрлар, сенаторлар, мажлис депутатлари ҳозир бўдилар.

Ташкилотлар ҳузурда нутқ сўзлаган экономаки министр Х. Ансорий завод қурилишида ҳамкорлик қилганликларини ва малакали миллий кадрлар тайёрлашда ёрдам берганини эътибор билан СССРга ва совет мутахассисларига миннатдорчилик билдирди.

Эрон шоҳи ва унга тамроҳ бўлиб келган кишилар завод цехларини кўздан кечирдилар. Эрон шоҳи цехларни кўздан кечириб бўлганидан сўнг заводга юксак баҳо берди ҳамда мамлакатнинг ривожланишига қўлаётган экономикасида ва миллий техника кадрлари тайёрлашда бу корхонанинг муҳимлигини таякқлади.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XXVII СЕССИЯСИДА

НЬУ-ЙОРК, 20 сентябрь. ТАСС. БМТ бош ассамблеясининг навбатдаги XXVII сессияси бу ерда ишлаш бошлади.

Сессия делегатлари куралишларини, тинчлик ва халқаро ҳафсалини мустақамлаш проблемаларига, Яқин Шарқдаги аҳолига, мустамлакачилик ва ирқий камситиш қолдиқларини узиш-кесил тугатишга асосий эътибор бермоқдалар.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ташаббуси тугайли куралишларини ҳамда тинчлик ва ҳафсалини мустақамлаш проблемалари билан боғлиқ жуда муҳим моддалар бош ассамблеяда кун тартибига киритилди.

БМТ бош ассамблеясининг бундан аввалги XXVI сессиясининг раиси, Индонезия ташқи ишлар министри Адам Малек сессияни очиб, бултурги йил халқаро муносабатларда катта ўзгаришлар йили бўлди, деди. Шу муносабат билан стратегик куралишнинг келажак тўғрисидаги Совет — Америка битимини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бу нарса йилнинг келажакда куралишларини юзасидан янада кенгроқ доирада битим тугатишга эришиш мумкин деб ишоничга эришиш мумкин, деди у.

Бош ассамблея Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Ян Ярузелскийнинг ўринбосари Станислав Трелчинскийнинг XXVII бош ассамблея раиси қилиб айтилиши билан сайлади. Шу юксак лавозимга халқ Польшаси вакилининг сайланиши Польша Халқ Республикаси, барча социалистик мамлакатларнинг тинчликсеварлик сийсати жаҳонда юксак обрў ва ҳурматга сазовор бўлаётган.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан келиш-кулиш бўлган бундан аввалги XXVI сессиясининг раиси, Индонезия ташқи ишлар министри Адам Малек сессияни очиб, бултурги йил халқаро муносабатларда катта ўзгаришлар йили бўлди, деди. Шу муносабат билан стратегик куралишнинг келажак тўғрисидаги Совет — Америка битимини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бу нарса йилнинг келажакда куралишларини юзасидан янада кенгроқ доирада битим тугатишга эришиш мумкин, деди у.

Бош ассамблея Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Ян Ярузелскийнинг ўринбосари Станислав Трелчинскийнинг XXVII бош ассамблея раиси қилиб айтилиши билан сайлади. Шу юксак лавозимга халқ Польшаси вакилининг сайланиши Польша Халқ Республикаси, барча социалистик мамлакатларнинг тинчликсеварлик сийсати жаҳонда юксак обрў ва ҳурматга сазовор бўлаётган.

Бош ассамблея Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Ян Ярузелскийнинг ўринбосари Станислав Трелчинскийнинг XXVII бош ассамблея раиси қилиб айтилиши билан сайлади. Шу юксак лавозимга халқ Польшаси вакилининг сайланиши Польша Халқ Республикаси, барча социалистик мамлакатларнинг тинчликсеварлик сийсати жаҳонда юксак обрў ва ҳурматга сазовор бўлаётган.

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

- 25 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА**
- БИРИНЧИ ПРОГРАММА**
- 12.35—МОСКВА. 17.55—ТОШКЕНТ. 18.00—Мультифильм, 18.20—СССР ташқи тоған кунининг 50 йиллиги шарафига, Советский юни (тележурнал). 19.15—Оламда нима гап? 19.45—Ахборот, 20.00—МОСКВА. 20.30—ТОШКЕНТ: «Ўзбекистон киношўна хўнаини журнал» саҳифалари. 20.50—Уш минут музика, 21.00—Ахборот, 21.20—Концерт, 22.00—Ахборот, 22.30—ТОШКЕНТ: Олис юлдуз шуъласи (бадий фильмнинг 1-2-сериялари).
- ИККИНЧИ ПРОГРАММА**
- 17.50—МОСКВА. 20.00—ТОШКЕНТ. Ўзғичи ва беш йиллиги, Йонир Абдуллахонов. 20.30—МОСКВА. 22.00—ТОШКЕНТ: Ой нурсатади (телефильм) 22.30—МОСКВА.
- УЧИНЧИ ПРОГРАММА**
- 18.00—ДУШАНБА КЎРСАТУВАЛАРИ.
- 26 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА**
- БИРИНЧИ ПРОГРАММА**
- 12.30—МОСКВА. 17.55—ТОШКЕНТ. 18.00—Мультифильм, 18.10—Тележурнал, 18.50—Бензоколонида маликаси (бадий фильм), 20.05—Ахборот, 20.25—СССР ташқи тоған кунининг 50 йиллиги шарафига, «Хатини» мемориал вилсабини. 20.55—Ахборот, 21.15—Уш минут музика, 21.25—Қишлоқ хўналиги билмилари телевидение халқ университети, 22.00—МОСКВА. 22.30—Хоний: СССР—КАНАДА.
- ИККИНЧИ ПРОГРАММА**
- 11.30—ТОШКЕНТ. Олтин ҳамма (телеспектакль), 18.05—МОСКВА. 22.00—ТОШКЕНТ: «Морхоб», таллантлар» Самарқанд области, бадий хаваскорлик коллективларининг чийиши (такрорий кўрсатуви)
- УЧИНЧИ ПРОГРАММА**
- 20.00—ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 21.10—Фильм-концерт,

ОЛЬСТЕРДА ЯНА ҚУРБОНЛАР

ЛОНДОН. (ТАСС). Ольстерда хануз ўқлар отилмоқда ва бомбалар портламоқда. Яқинда Лондондеррида инглиз солдатлари билан маҳаллий аҳоли ўртасида бўлган отишмалар натижасида ирландияликлардан бир неча киши яраланди. Бомба портаб электр линиясини ишдан чиқаришди. Белфастдаги тўқнашув вақтида 19 йашар бир йигит ўлдирилди, бир неча киши жароҳатландирилди. Ньюрида бомба портаб бир ирландиялик ўлдирилди ва яна икки нафар ирландиялик жароҳатланди. Бир неча уй-жой биносида қаттиқ шикаст етди.

Англия қўмондонлигининг буйруғига биноан Лондондеррида ва Белфастда «террорчиларни» қидириш баҳонасида магазинлар, кинотеатрлар ва бошқа жамоат йўллари солдатлар билан тўқрилмоқда.

Аммо Англия маъмуриятининг кейинги вақтларда жуда антипатив Шимолий Ирландияда гражданик ҳуқуқлари учун курашаётган кишиларни жазолаймиш деб таҳдид қилаётган ультраларнинг фаолиятига панжа орасидан қараб турибдилар ва улarga нисбатан ҳеч қандай чора кўрмаяптилар.

Ушг унсурларнинг ва протестант экстремистларнинг фаолияти, деб ёзади бугун «Морнингстар» газетаси. Шимолий Ирландияда экстремистлар ҳаракати кунайганини кўрсатиб турибди. Бу ҳаракат Лондондаги расмий доираларнинг йўл қўйиб бериши оқибатида Ольстер аҳолиси учун яқиндаги хавфга айланмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, деди у, Яқин Шарқ мижоросини тинч йўл билан сиёсий бартараф этишга қаратилган ҳамма қарорлари сўзсиз бажарилишини талаб қилмоғимиз лозим.


БМТнинг дунёвий уруш хавфини халос этишдан иборат асосий вазифаси бажарилмади, деб давом қилди Трелчинский. Шунинг учун ҳам, деди у, куралишнинг поғисанинги чеклаш, мижороларни фақат тинч вазиталар билан бартараф этишга қаратилган янада қатъий қў-ғайрат сарфламоғимиз зарур.

БМТ бош ассамблеясининг раиси ушбу сессия конструктив натижаларга эришади, деб ишонич билдирди.

Кубада кўплаб фойдали қазилмалар бор. Мамлакатнинг геологик харитасида янгида-янги конлар пайдо бўлимоқда. Кейинги йилларда оролнинг турли жойларида мис ва бошқа маъдан конлари топиломоқда. Совет геологлари фойдали қазилмаларни қидириб топишда катта ишлар олиб

боришпти. Совет мутахассислари ёрдамида 1961 йилдан бун 400 дан зиёд техник-геологлар, техник-геофизиклар, пармаловчилар, операторлар, лаборантлар тайёрлаб етиштирилди. Суратда: нефть қидирув ишлари олиб борилишти.

ТАСС фотокорреспонденти.



ВИЗИТ ТУГАДИ, ЗИДДИЯТЛАР ҚОЛАВЕРДИ

ТОКИО. 20 сентябрь. ТАСС мухбирлари хабар берадилар: Буюк Британия бош министри Э. Хитнинг Японияга қилган визити тугади.

Э. Хит Японияда бўлган вақтида уни Япония императори Хиро-Хито қабул қилди. Япония бош министри К. Такака билан икки марта учрашди, шунингдек Япония ташқи ишлар министри Н. Охира билан ва савдо-саноат доираларининг намоёндалари билан суҳбатлар ўтказди.

Музокаралар чоғида халқаро аҳоли масалалари, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ, иқтисодий муносабат масалалари муҳокама қилинди. Маълумки, Япониянинг Англияга қилаётган экспорт жуда кўпайиб кетганини ва бунинг натижасида Англиянинг Япония билан қилаётган савдо-сотиқда катта дефицит пайдо бўлганини сабабли бу мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар кейинги вақтларда кескинлашиб кетди.

Эълон қилинган ахборот айтиладики, «Япония ва Буюк Британия халқаро валюта системасини стабиллаштириш чораларини кўрадилар, ҳар иккала томон ик-

ки мамлакат ўртасида савдо муносабатларининг стабил бўлишини таъминлайдиган чоралар кўришга ҳаракат қиладилар».

Англия бош министри Э. Хит Японияга келмасдан олдинроқ мажбурий икки мамлакат орасида сиёсий мижоратга айланб кетиш хавфини тугдираётган савдо-сотиқ билан алоқадор иқтисодий проблемалар тезроқ ҳал этилиши кераклигини таъкидлаётган эди. Ҳар иккала томоннинг вакиллари бир неча марта амалий кенгашлар ўтказишти, бу кенгашларда, жумладан, Япония билан Буюк Британия ўртасида савдо-сотиқда бўлаётган диспропорцияни бартараф қилиш масаласи турибди.

Бироқ бу кенгашларда ҳеч қандай қатъий чоралар ишлаб чийилмади. Шунингдек, мажбурий икки мамлакат орасида сиёсий мижоратга суралаверди. Э. Хит визитининг яқунларида маълум бўлишича, Англия Япониядан икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқни мезонлаштирадиган қонун қўради олишга муваффақ бўла олмади.

Шундай қила, икки мамлакат ўртасидаги мажбурий зиддиятлар ҳал этилмай қолаверди.

К. Вальдхаймнинг айтганлари

НЬУ-ЙОРК, 21 сентябрь. (ТАСС). БМТ бош секретари К. Вальдхайм 1974 йилда бўлиб ўтган конференцияда халқаро давлатларга мижорат қилиб, бир қанча мамлакатлар ва жаҳоннинг бутун-бутун районлари аҳолиси олдида турган проблемалар ҳусусида 1974 йилга мўлжалланган жаҳон конференциясига тайёргарлик кўра бошлашга даъват этди.

Вальдхайм журналистлар ҳузурда нутқ сўзлаб, кўпгина мамлакатларда аҳолининг ўсиши иқтисодий тараққиётга қараганда аниқ юксак суръатлар билан боғлиқлигини айтди. Шу маънада кўпгина мамлакатларнинг аҳолиси мактаб етишмаслиги, иқтисодий қўлайлиги, кўндалар ва кинотелерафининг кўпайиши каби проблемаларга дуч келмоқда.

БМТ бош секретари халқаро демография йилни ўқитиш мақсади билан мамлакатларнинг аҳоли кўпайиши ва шунинг билан боғлиқ проблемаларни ҳал этишга ёрдам беради, деб умид билдирди.

нинг ўсиши иқтисодий тараққиётга қараганда аниқ юксак суръатлар билан боғлиқлигини айтди. Шу маънада кўпгина мамлакатларнинг аҳолиси мактаб етишмаслиги, иқтисодий қўлайлиги, кўндалар ва кинотелерафининг кўпайиши каби проблемаларга дуч келмоқда.



БМТ бош секретари халқаро демография йилни ўқитиш мақсади билан мамлакатларнинг аҳоли кўпайиши ва шунинг билан боғлиқ проблемаларни ҳал этишга ёрдам беради, деб умид билдирди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

„Чайка—205“ телевизори

Рўзгор электр приборларининг ҳар қандай тўсиқларига қарамасдан «Чайка-205» телевизори экрандаги (диагонали 61 сантиметр) юқори сифатли тасвир бузилмайди.



«Чайка-205» телевизорининг бир меъёра ишлашини лампа ва ярим ўтказгичлар қўлланилган мукамал электр схемаси таъминлайди. Телеприёмникда дециметрли диапазонда қўшимча программаларни қабул қилишга имкон берадиган СКД-1 блокни ўрнатиш учун барча детал ва узеллар мавжуд. Бундай телевизорларни давлат савдоси ва матлубот кооперацияси магазинларидан сотиб олиш мумкин. «Радиотехника» Марказий савдо-реклама ташкилоти. «Главкоопторгреблама».

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

26, 27 СЕНТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

КОЗОГИСТОН ССРДА БЎЛИБ ЎТГАН ЎЗБЕКИСТОН ССР АДАБИЕТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР: НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ СОЛИСТЛАРИ М. ҚОРИЕВОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ «ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАКС АНСАМБЛИ «ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ Билетлар сотилмоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БҮГҮН

- БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 —** ТОШКЕНТ. 10.00 — Хужжатан фильм, 10.20 — Концерт, 11.00 — МОСКВА. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — «Глобус», 17.30 — Кишлоқ билари, 18.25 — Ахборот, 18.40 — Туяларимиз хайида Уларимиз, 19.40 — Тугиридан афзал (бадий фильм), 20.25 — Ахборот, 20.45 — Оламга савҳат, 21.45 — Уш минут музика, 22.00 — «Ваъд», 22.30 — Пахта усталари минбар, 22.50 — Концерт, 23.30 — Маҳаллада ду-ду-ду (бадий фильм).
- ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 —** ТОШКЕНТ. Пушчин Прагага боради (бадий фильм), 11.30 — Ўқув кўрсатувлари, 13.00 — Телеспектакль, 16.55 — МОСКВА. 22.00 — ГОШКЕНТ. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВАЛАРИ.

ТЕАТР

- НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА** — 23/IX да Трубадур, 24/IX да Жинзела (кундуз соат 12 да).
- ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА** — 23/IX да Олтин девор, 24/IX да Уғрилган умр.
- ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА** — Москва Давлат цирки артистларининг гастроллари (кеч соат 8 да).
- «Спортлото»нинг 6 бахтли райями.** 21.50 — «Элга хизмат — олий хизмат», 22.20 — Уруш ва тинчлик (бадий фильмнинг 4-серияси).
- РЕСПУБЛИКА «ЎЗБЕКЛЕВСУМОНСАВЕТ» ВАЗАСИ** — 1 октябрдан 15 октябргача инвентаризация ўтказилиши муносабати билан товар-материал буюмларини.
- ТАРҚАТМАЙДИ** — Сентябрь оида тахта ва қорғоқ махсулотларини туртинчи квартал ҳисобидан тартиқлади.
- БАХТЛИ РАҚАМЛАР** — 1, 17, 24, 33, 38, 44 «СПОРТЛОТО»НИНГ ЕРЕВАН шаҳрида 20 сентябрда ўтказилган 26-тиржида юнориди рақамларга ютун чинди.